

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 19162 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,7 фоиз ўсган.

2019 йилнинг январь-июнида 3750 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 241,9 фоиз кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо (34,8 фоиз), саноат (23,7 фоиз), қурилиш (10,3 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (8,4 фоиз), яшаш ва овқатланиш (9,5 фоиз) ва бошқа тармоқларда ташкил этилган.

### 2019 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши

(фоизда)




**Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона  
ва микрофирмалар, бирликда**

	<b>январь-июнь 2018 й.</b>	<b>январь-июнь 2019 й.</b>
--	--------------------------------	--------------------------------

<b>Бухоро вилояти</b>	<b>1550</b>	<b>3750</b>
Бухоро ш.	492	1175
Когон ш.	65	150
<i>туманлар</i>		
Бухоро	88	251
Вобкент	67	185
Жондор	99	291
Когон	85	171
Олот	49	132
Пешкў	95	165
Ромитан	165	304
Шофирикон	98	235
Қоракўл	78	155
Коровулбозор	45	73
Ғиждувон	124	463

2019 йилда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Бухоро шаҳри (1175 та), Ғиждувон (463 та), ҳамда Ромитан (304 та), Жондор (291 та), Бухоро (251 та) ва Шофирикон (235 та) туманларида ташкил этилди. Вобкент, Когон, Пешкў туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 185 - 165 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Коровулбозор (73 та) туманида ташкил этилган.

**2019 йил январь-июнь ҳолатига янги ташкил топган кичик корхона  
ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % ҳисобида**



2019 йил январь-июнь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Бухоро шаҳрига – 31,3 фоиз, Фиждувон тумани – 12,3 фоиз, Ромитан тумани – 8,1 фоиз, Жондор тумани – 7,8 фоиз, Бухоро тумани – 6,7 фоиз, Шоғиркон тумани – 6,3 фоиз, Вобкент тумани – 4,9 фоиз, Когон тумани – 4,6 фоиз, Пешкӯ тумани – 4,4 фоиз, Коракўл тумани – 4,1 фоиз, энг паст кўрсаткич Коровулбозор туманида – 2,0 фоизни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган  
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	<b>январь-июнь 2018 й.</b>	<b>январь- июнь 2019 й.</b>
<b>Жами</b>	<b>1550</b>	<b>3750</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	272	315
Саноат	265	890
Курилиш	237	387
Савдо	264	1306
Ташиш ва сақлаш	56	157
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	139	356
Ахборот ва алоқа	31	26
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўrsatiш	55	44
Бошқа турдаги хизматлар	231	269

2019 йил январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода 1306 та, шунингдек :

савдода - 1306 та;

саноатда - 890 та;

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 356 та;

курилишда - 387 та;

кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига - 315 та;

бошқа турдаги хизматларда – 269 та;

ташиш ва сақлашда - 157 та ни ташкил этди.

ахборот ва алоқада – 26 та;

соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўrsatiшда – 44 та;

**Янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (% ҳисобида)**



2019 йил январ-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп улуши:

савдода – 34,8 % ;

саноатда – 23,7 %;

курилишда – 10,3 %;

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 9,5 % ;

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 8,4 % ;

бошқа турдаги хизматларда – 7,2 % ;

ташиш ва сақлашда – 4,2 %;

соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида – 1,2 %;

ахборот ва алоқада – 0,7 % ни ташкил этди.

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга  
эга бўлган шаҳар ва туманлар, бирликда**


	<b>январь-июнь 2018 й.</b>	<b>январь-июнь 2019 й.</b>	<b>фарқ(+-)</b>
--	--------------------------------	--------------------------------	-----------------

Бухоро ш.	492	1175	683
Фиждуон	124	463	339
Ромитан	165	304	139
Жондор	99	291	192
Бухоро т.	88	251	163
Шофиркон	98	235	137
Вобкент	67	185	118

2019 йил январь-июнида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Бухоро шаҳрида 1175 та, Фиждуон туманида – 463 та, Ромитан туманида - 304 та, Жондор туманида - 291 та. Бухоро ва Шофиркон туманларида бу кўрсаткич 251 - 235 тани ташкил этди.


2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (хар 1000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Бухоро шаҳрида 22,1 бирликда, Қоровулбозор туманида 17,8 бирликда, Когон туманида 11,9 бирликда, Когон шаҳрида 10,9 бирликда, Ромитан туманида 10,3 бирликда ва Пешкў туманида 8,6 бирликда бўлиб, ўртacha кўрсаткич 7,9 7,2 бирлик оралиғида Бухоро, Жондор, Фиждуон ва Шофиркон туманларида аниқланди. Олот туманида 5,2 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йилнинг январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)**



Агар, 2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 9,1 бирликни ташкил этган бўлса, 2019 йил январь-июнида бу кўрсаткич 9,5 бирликка етди ва 2018 йил шу даврига нисбатан 0,4 бирлик юқори.

**Январь-июнь ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда;)**




2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2100,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 29,8 фоизи) ёки 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди;
- 6956,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 99,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,1 фоизи) ташкил қилди;
- 2842,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 56,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 182,6 фоизини ташкил қилди;
- 2011,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 87,6 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 121,6 фоизни ташкил қилди;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 86,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;
- 2482,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 69,8 фоизи) 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 105,7 фоизини ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,6 фоизи ёки 4040,6 млрд. сўми (ўсиш суръати 103,1 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди.
- 92,5 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 61,3 фоизи) микдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 49,3 млн.АҚШ долларга ёки 2,1 бараварга ўсди, мос равишда 231,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 47,9 фоизи) микдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди, бу эса 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 114,4 млн.АҚШ долларги ёки 97,6 фоизга кўпдир.

**Январь-июнь ойларида кичик тадбиркорликнинг  
асосий кўрсаткичлари**


	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>(+/-)</b>
<b>Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони</b>	<i>бирлик</i>	<b>16961</b>	<b>18249</b>	<b>1284</b>
<b>Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар</b>	<i>бирлик</i>	<b>1550</b>	<b>3750</b>	<b>22200</b>
<b>ЯИМ</b>	<i>%</i>	<b>78,4</b>	<b>71,1</b>	<b>-7,3</b>
Саноат	<i>%</i>	<b>42,1</b>	<b>29,8</b>	<b>-12,3</b>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги</b>	<i>%</i>	<b>99,4</b>	<b>99,1</b>	<b>-0,3</b>
Инвестиция	<i>%</i>	<b>28,4</b>	<b>56,6</b>	<b>28,2</b>
<b>Курилиш</b>	<i>%</i>	<b>84,7</b>	<b>87,6</b>	<b>2,9</b>
Савдо	<i>%</i>	<b>89,3</b>	<b>85,6</b>	<b>-3,7</b>
<b>Хизматлар</b>	<i>%</i>	<b>73,9</b>	<b>69,8</b>	<b>-4,1</b>
Юк ташиш	<i>%</i>	<b>91,1</b>	<b>92,7</b>	<b>1,6</b>
<b>Юк айланмаси</b>	<i>%</i>	<b>83,0</b>	<b>86,2</b>	<b>3,2</b>
Йўловчи ташиш	<i>%</i>	<b>96,9</b>	<b>96,1</b>	<b>-0,8</b>
<b>Йўловчи айланмаси</b>	<i>%</i>	<b>96,8</b>	<b>96,8</b>	<b>0</b>
Экспорт	<i>%</i>	<b>42,4</b>	<b>61,3</b>	<b>18,9</b>
<b>Импорт</b>	<i>%</i>	<b>31,1</b>	<b>47,9</b>	<b>16,8</b>

**2019 йилнинг январь-июнида иқтисодиёт тармоқларида  
кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**



**Январь-июнь ҳолатига кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши, %**

2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 71,1 фоизни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-июнида 78,4 %). ЯҲМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади




**2019 йилнинг январь-июнда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг  
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6956,5	100,0
Саноат	2100,3	72,1
Курилиш	2011,8	36,6
Чакана савдо	2890,0	71,5
Юк ташиш, млн тн.	30,6	39,6
Йўловчи ташиш, млн.киии	148,6	80,6
Экспорт, млн.АҚШ долл.	92,5	100,0
Импорт млн. АҚШ долл.	231,5	100,0

**Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий қўрсаткичлардаги улуши  
(умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)**


Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Бухоро шахри (500,2 млрд.сўм), Когон тумани (236,7 млрд.сўм), Гиждувон тумани (236,7 млрд.сўм) ва Вобкент тумани (223,0 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Когон шахрида (63,7 млрд.сўм), Пешку (59,1 млрд.сўм) ва Қоровулбозор туманида (31,3 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йил январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати**




Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат махсулотидаги энг юкори улуши Вобкент (100,0 %), Когон (97,1 %), Шофиркон (79,4 %), Бухоро (66,0%) туманлари, Бухоро шаҳри (64,3%) ва Фиждувон тумани (54,9 %) хиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Когон шаҳри (23,0 %), Ромитан (17,3 %) ва Қоровулбозор (1,0 %) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

### **2019 йил январь-июнь ҳолатига жами саноат махсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, %**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Бухоро (838,7 млрд.сўм), Жондор (810,6 млрд.сўм), Қоракўл (786,2 млрд.сўм), Фиждувон (778,7 млрд.сўм) ва Пешкў (620,8 млрд.сўм) туманлари хиссасига тўғри келади. Когон (4,4 млрд.сўм) ва Бухоро шаҳарларида (106,8 млрд.сўм) ва Қоровулбозор туманида (170,7 млрд.сўм) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

### **2019 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати**




Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Бухоро шахри (1208,1 млрд.сўм), Фиждувон (706,1 млрд.сўм), Коракўл (461,9 млрд.сўм), Ромитан (292,6 млрд.сўм) ва Жондор (247,3 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Олот (96,3 млрд.сўм), Коровулбозор (71,8 млрд.сўм) ва Когон туманларида (58,1 млрд.сўм) чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

### **2019 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Бухоро шахри (1358,2 млрд.сўм), Фиждувон (292,3 млрд.сўм), Бухоро (113,5 млрд.сўм), Вобкент (101,0 млрд.сўм), Ромитан (91,0 млрд. сўм) ва Коракўл (89,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

### **2019 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати**



**2019 йил январь-июнида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий тармоқлардаги  
худудлар бўйича улуши, фоизда**

	<i>Саноат</i>	<i>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</i>	<i>Инвести ция</i>	<i>Курилиш</i>	<i>Чакана савдо</i>	<i>Хизмат лар</i>
<b>Бухоро вилояти</b>	<b>29,8</b>	<b>99,1</b>	<b>56,6</b>	<b>87,6</b>	<b>85,6</b>	<b>69,8</b>
Бухоро ш.	64,3	93,4	62,0	90,7	74,3	59,3
Когон ш.	23,0	97,6	22,5	98,8	97,7	84,7
<i>туманлар:</i>						
Бухоро	66,0	99,7	70,7	88,7	99,5	96,5
Вобкент	100,0	99,9	81,8	100,0	71,1	90,5
Жондор	39,5	99,2	84,7	100,0	98,5	90,2
Когон	97,1	99,1	79,2	92,4	70,0	83,2
Олот	45,6	99,4	25,9	70,6	98,9	87,7
Пешкў	43,1	98,7	89,8	100,0	98,7	92,5
Ромитан	17,3	99,9	15,1	88,8	98,6	92,7
Шофиркон	79,4	98,6	77,5	92,6	99,1	89,5
Қоракўл	50,7	99,2	74,1	87,9	97,3	97,9
Қоровулбозор	1,0	99,1	57,6	25,2	94,2	35,8
Фиждувон	54,9	98,5	88,6	100,0	85,6	92,8

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушкини Вобкент (100,0 фоиз), Когон (97,1 фоиз), Шофиркон (79,4 фоиз), Бухоро туманида (66,0 фоиз), Бухоро шахрида (64,3 фоиз) ва Фиждувон туманида (54,9 фоиз) ташкил этади.


Инвестицияда энг юқори улушларни Пешкў (89,8 фоиз), Фиждувон (88,6 фоиз), Жондор (84,7 фоиз), Вобкент (81,8 фоиз), Когон (79,2 фоиз) ва Шофиркон туманлари (77,5 фоиз) ташкил этади.

Курилишда Вобкент (100,0 фоиз), Фиждувон (100,0 фоиз), Пешкў (100,0 фоиз), Жондор (100,0 фоиз) туманлари ва Когон (98,8 фоиз) шаҳри ташкил этади.

Чакана савдода Бухоро (106,6 фоиз), Олот (106,9 фоиз), Ромитан (107,9 фоиз), Пешкў (106,9 фоиз) ва Жондор (111,5 фоиз) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Қоракўл (97,9 фоиз), Бухоро (96,5 фоиз) ва Фиждувон (92,8 фоиз) туманлари ташкил этади.

**Ялпи худудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил 2-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 191 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.


Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 26,3 фоиз иқтисодий вазиятни – қулай ва 47,4 фоиз эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равищда савдо соҳасида – 48,4 фоиз ва 42,2 фоиз, хизматлар соҳасида – 61,4 фоиз ва 22,7

фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 35,0 фоиз ва 40,0 фоиз, саноатда – 41,0 фоиз ва 38,6 фоизни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимилик руҳда ёндашганлар саноатда – 20,4 фоиз, қурилишда – 26,3 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 25,0 фоиз, хизматларда – 15,9 фоиз ва савдо – 9,4 фоизни ташкил қилди.


### **Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш**

**2019 йил II-чорак учун, фоизда**



**Иқтисодий вазият яқин уч ойда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига яхшиланиш 70,0 фоиз, ўзгаришсиз 30,0 фоиз, саноат корхоналари яхшиланиши 72,7 фоиз, ўзгаришсиз 27,3 фоизи, савдо – яхшиланиш 78,1 фоиз, ўзгаришсиз 17,2 фоиз, ёмонлашиш 4,7 фоиз, хизматларда яхшиланиш 79,5 фоиз, ўзгаришсиз 18,2 фоиз, ёмонлашиш 2,3 фоиз ва қурилиш тармоғига яхшиланиш 73,7 фоиз, ўзгаришсиз 26,3 фоиз кутилмоқда.**

## **Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.